Ислоҳот марралари

# ҚАТЪИЯТ ВА ОМИЛКОРЛИК БЎЛСА БАС

**— Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 2006 йил натижаларини таҳлил қилатуриб, ўтган йилги ўсиш суръатлари ва юксак макроиқтисодий кўрсаткичлар иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги туб ислоҳотлар ва янгиланиш натижасидир, деб алоҳида таъкидлади. Шу жиҳатдан олганда, вилоятимиз иқтисодиётининг аҳволини қандай баҳолайсиз?**

—Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларидаги аҳволни таърифлаб, давлатимиз раҳбари асосий эътиборни иқтисодиётни ривожлантиришнинг етакчи йўналишларида ҳамон фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солишга қаратдилар. Вилоятимиз фаолларининг йиғилишида ҳам ўтган йилги натижалар шу талаб нуқтаи-назаридан муҳокама қилинди.

Тўғри, ўтган йили вилоятимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,2 фоиз ўсишига эришилди. Шу ўринда маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиш натижаларига эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўтган йили вилоятимиздаги 14 та саноат корхонасининг ўзида шу пайтгача хориждан олиб келинаётган 22 турдаги маҳсулотни ўзимизда тайёрлаш кўламлари кенгайди. Йил якунларига кўра, улар импорт ўрнини босувчи 35,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Уларнинг рақобатбардошлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширилиши орқали ишлаб чиқарилган 14,3 миллион долларлик маҳсулотимизни ташқи бозорда сотишга муваффақ бўлдик.

Лекин фаоллар йиғилишида ўринли кўрсатиб ўтилганидек, вилоятимиздаги мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти ҳали тўлиқ ишга солинаётгани йўқ. Чунончи, бир қатор корхоналар ишлаб чиқаришдаги пасайишини ҳануз бартараф эта олмаётир. Тўғри, кейинги бир йилда шу боис йўқотилаётган маҳсулотнинг жорий нархлардаги ҳажми деярли икки баробар камайтирилди. Бироқ, иқтисодиётни соғломлаштириш вазифаларини бажаришда муайян сустлик мавжуд. Ёки бошқа бир масалани олиб кўрайлик. Ҳозирги пайтда вилоятимиз саноат корхоналарининг омборларида 160-165 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти тўпланиб қолган. Уларнинг асосий қисми Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларидаги корхоналарга тўғри келади.

**— Бу ҳолат ниманинг оқибати деб ўйлайсиз?**

— Бунинг сабаблари кўп. Баъзи раҳбарлар янгича иқтисодий муносабатлар шароитида ишлаш маҳоратини ҳамон эгаллашмаган. Айтмоқчиманки, бугун корхона раҳбари ишлаб чиқариш жараёнлари билан қанчалик шуғулланса, реклама-тарғибот фаолиятига ҳам шунчалик эътибор қаратиши керак. Бугун кўп маҳсулот ишлаб чиқаришгина эмас, балки кўп сотишни ҳам билиш лозим. Бунда сифат кўрсаткичлари, рақобатбардошлик ниҳоятда муҳим. Харидор келади деб хомтама бўлмаслик, балки харидорни излашни ўрганиш даркор.

**— Шубҳасиз, вилоятнинг экспорт имкониятлари кенгайиб бораяпти. Лекин...**

— Нима демоқчи эканлигингиз тушунарли. Фақат бир нарсани эътибордан қочирмайлик. Вилоятимизнинг ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми 1 миллиард 73 миллион долларга етиб борди. Бу сўнгги бир йилда 1,6 баробардан зиёд ўсишга эришилди деган сўз.

Шу билан бирга, мулоҳазангиз тўғри, экспорт таркибида тайёр маҳсулотларнинг салмоғи ҳамон кам. Айниқса, кийим-кечак, озиқ-овқат, кимё саноати маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмлари бизни қаноатлантирмаётир. Ҳолбуки, уларни кескин кўпайтириш, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар доирасини кенгайтириш имкониятларимиз катта. Машинасозлик саноати, айниқса, хизматлар соҳасидаги экспорт салоҳиятимиз етарли. Гап улардан фойдалана олишда.

**— Шу муносабат билан вилоят халқ хўжалигига хорижий инвестицияларни киритишнинг бугунги аҳволи ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Вилоятимизни иқтисодий ривожлантиришнинг бу йилги инвестиция дастури кўпгина муҳим лойиҳаларни ўз ичига олади. Бу йил шаҳар ва туманлардаги 23 та корхонага 60 миллион доллар миқдорида хорижий сармоя олиб кириш режалаштирилган. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бу сармоянинг 68 фоизи бевосита қишлоқ жойларига йўналтирилмоқда. Бу ўтган йилдагидан икки баробар юқори. Биз бу йил шаҳар ва қишлоқларимизда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишимиз керак.

Бу вазифалар давлат ва хўжалик бошқарувининг барча бўғинларидаги ходим ва мутахассисларимиздан алоҳида куч-ғайрат, ташаббускорлик, ҳақиқий ватанпарварликни талаб қилади. Киритилаётган хорижий сармоялар майда-чуйда мақсадларга эмас, балки, белгиланган лойиҳалар мукаммал амалга оширилишига оқилона йўналтирилсин ва ишнинг кўзини билиб ўзлаштирилсин.

Ўтган йили хорижий сармоя иштирокида Бекобод туманида «Некопресс плюс», Юқоричирчиқда «Keym Sang International» қўшма корхоналари, Қибрайда «Arge Fashion», Зангиотада «Nil Teks Sharket» хусусий корхоналари фаолиятини бошлади. Натижада вилоятимизда ички ва ташқи бозорга маҳсулот етказиб бериш анча ошди.

**— Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг салмоғи ортиб бораяпти. Бу жараённи янада барқарор ва жадал тус олдириш вазифалари нималардан иборат?**

— Аввало, биз бугун бу борада истиқболли дастурга, аниқ-равшан режаларга эга эканлигимизни таъкидламоқчиман. Жумладан, бу йил сармояларни тўғридан-тўғри жалб қилиш, ишлаб чиқаришни янгилаш, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, солиқни эркинлаштириш орқали қўшимча маблағ йўналтириш йўллари билан хусусий бизнес соҳасидаги ўсиш суръатларини жадаллаштириш ҳаракатидамиз. Шу ўринда, солиқ соҳасидаги имтиёзлар 14,9 миллиард сўм маблағ тадбиркорлар қўлида қолишига имкон очаётганини таъкидламоқчиман. Айни пайтда тижорат банклари 7,9 миллиард, Бандлик жамғармаси 406 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратмоқда. Буларнинг ҳаммаси ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг ҳиссасини 45 фоизга кўтарилиши кутиляпти. Энг муҳими, бу саъй-ҳаракатлар натижасида шаҳар ва қишлоқларимизда 44 мингдан зиёд янги иш ўринлари очилади.

**— Бу вазифалар реалми?**

— Ўтган йилги иқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилинса, бу саволга ишонч билан жавоб бериш мумкин. Кичик корхоналар 224,6 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Сўнгги бир йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 11,9 фоиз ўсиб, 44,2 фоизга етди.

Бу ўсиш, албатта, кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини қўллаб-қувватлаш самарасидир. Шуни айтиш кифояки, ўтган йили улар 42,7 миллиард сўм имтиёзли кредит олишди. Чет эл кредит линияси бўйича 5,3 миллион долларлик сармоя ўзлаштирилди.

Кўриниб турибдики, белгиланган вазифалар реал, ҳаётий. Фақат Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузаларида қайта-қайта таъкидлаганларидек, белгиланган режаларнинг қатъият билан амалга оширилиши учун маҳаллий бошқарув идоралари, корхоналар, банк муассасаларининг раҳбарлари, тадбиркорларнинг масъулиятини ошириш керак.

Лекин ҳозирча ҳамма ҳам бу масъулиятни тўла ҳис қилаяпти деб айта олмаймиз. Вилоятимиз фаолларининг йил якунларига бағишланган йиғилишида бу хусусда қаттиқ-қаттиқ гаплар айтилди. Ахир, Ангрен шаҳрида ҳар уч кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектидан биттаси, Оҳангарон шаҳрида тўртдан бири фаолият юритмаётганлигини қандай баҳолаш мумкин? Вилоятнинг экспорт салоҳияти таркибида айрим туманларнинг улуши ҳамон камлигича қолаётир.

Кўриниб турибдики, вилоятимизнинг иқтисодиётни ривожлантириш имкониятлари катта. Гап фақат уларни оқилона, ишбилармонлик билан яқин ва олис истиқболни кўзлаб ишга солишда. Биз Президентимизнинг 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидаги саъй-ҳаракатларни кучайтиришга доир йўл-йўриқларига амал қилиб, мавжуд барча имкониятларни изчил, мақсадли ишга солиш йўлидамиз.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбиркорликка кенг йўл

**Бугун юртимизда хусусий мулк эгалари, тадбиркор ва ишбилармонлар сафи кенгайиб, улар фаолияти мамлакатимиз иқтисодий қудратининг юксалиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бу тизимнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари кучга кириб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани янгидан янги имкониятлар эшигини очмоқда.**

# ИМКОНИЯТ КАЛИТИ ҲАРАКАТДА



Шу ўринда қизиқ бир маълумот. Мутахассисларнинг эътироф этишларича, иқтисодиёти жадал ривожланаётган кўпгина давлатларда хусусий бизнесда тадбиркор аёллар улуши анча юқори экан. Эътиборли жиҳати, хотин-қизлар бошқараётган тадбиркорлик тузилмаларида амалдаги тартиб-қоидаларни четлаб ўтиш, ноқонуний фаолият юритиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бош тортиш каби ҳолатлар деярли кузатилмас экан. Аксинча, уларда жамоат ишларида фаоллик кўрсатиш, ҳомийлик, хайру саховат ташаббусларини қўллаб-қувватлашга мойиллик кучли бўларкан...

Эҳтимол, бу нисбий кузатувдир. Бироқ бу қарашларга далолат бўла олувчи мисолларни кундалик ҳаётдан кўплаб келтириш мумкин.

Янгийўл шаҳрида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи Маҳмудовлар оиласини кўпчилик яхши танийди. Шу оила бекаси Гулчеҳра Маҳмудова бошқараётган «Ўткир» хусусий тижорат фирмаси нафақат Янгийўлда, балки унга қўни-қўшни бўлган ҳудудларда ҳам довруқ таратиб улгурди. Бундан қарийб 15 йил муқаддам ташкил этилган фирма фаолияти ўтган давр ичида бу қадар илдам ривожланиши, юксалиб, қанот ёзишининг асл омиллари бугун кўпчиликни қизиқтириши табиий. Қарангки, бунинг ҳеч қандай ўзгача жиҳати йўқ, ҳаммаси оддий, яъни меҳнат ва ташаббускорликдан экан...

– Мўъжазгина тикувчилик цехи билан иш бошлаган ўша ҳаяжонли кунларни кечагидек аниқ эслайман, — дейди тадбиркор Гулчеҳра Маҳмудова. — Ўшанда 12 киши билан минг машаққатларни бошдан ўтказиб ишга киришгандик. Билсангиз, у вақтлар оддий пойабзал устахонаси ёки кичик бир сартарошхона очишнинг ҳам ўзи бўлмасди. Тадбиркор бўламан деган борки, ҳали у ёқ, ҳали бу ёққа югуриб, роса овораи сарсон бўларди. Энг ёмони, хусусий бизнес, мустақил тадбиркорни





қўлловчи, ҳимоя қилувчи ҳозиргидек аниқ-пухта, мукаммал ҳуқуқий механизм йўқ эди. Лекин ишдан совиб, йўлдан қайтишни хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз. Чунки, ўшанда давлатимиз энди мустақил бўлган, ҳали қилинган ишлардан қилиниши лозимлари кўп эди, қолаверса, иқтисодий барқарорлик учун хусусий бизнес ва тадбиркорлик субъектлари сафининг изчил кенгайиши муҳим эди. Бу зиммамизга катта масъулият юклаш билан бирга кўнглимизда эртанги кунга ишонч ҳиссини ҳам тоблаганди...

Дарҳақиқат, Гулчеҳра опанинг ишонганича бор эди. Вақт ҳар нарсанинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратди.Тадбиркорлик учун мукаммал шарт-шароит, шу билан бирга мустаҳкам рақобат муҳити юзага келди. Ўз навбатида, биз ҳикоя қилаётган фирма фаолияти ҳам йилма йил, босқичма-босқич юксалиб бораверди.

Тез орада шаҳарнинг турли гўшаларида «Ўткир» хусусий фирмасига қарашли озиқ-овқат ва бошқа истеъмол моллари дўконлари, дорихона, чойхона, сартарошхона, автосервис каби аҳолига турли маиший хизмат кўрсатувчи шохобчалар иш бошлади. Ўтган йили худди шу кезлари фойдаланишга топширилган «Мадина» гўзаллик салони эса мижозлари гавжумлиги билан бир қаторда шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди, десак муболаға бўлмайди.



Фирма қошида ташкил этилган пишиқ ғишт ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотлари эса аллақачон ўз харидорларини топиб улгурди. Корхона печларидан чиқаётган сифатли ғиштлар вилоятимиз ҳамда Жиззахда қурилаётган касб-ҳунар коллежлари ва бошқа ижтимоий объектлар қурилишига буюртма асосида пешма-пеш етказиб берилмоқда. Бир қисми қўшни Қозоғистон Республикасига экспорт қилинаётир.

Айтиш жоизки, ўтган йил фирма ўз фаолияти ва имкониятларини кенгайтириш йўлида муҳим қадам ташлади. Ҳозирда унинг қошида мустақил фермер хўжалиги ҳам ташкил этилиб, собиқ «Тинчлик» ширкат хўжалигининг кўплаб аъзолари янги тузилган хўжаликда деҳқончилик қилишмоқда.

– Кўп йиллардан бери шу ерларда ишлаб келганмиз, – дейди хўжалик аъзоси Эргаш Тиллабоев. – Собиқ ширкат тарқатилгач, меҳнатга ҳам, ер-сувдан фойдаланишга ҳам муносабат тубдан ўзгарди.

Бу самарадорликни оширади, албатта. Ўзимиз гувоҳмиз, ширкат вақтида худди шу ерларда ҳосилдорлик буғдойдан 12, пахтадан 17 центнер атрофида бўлган. Давлат буюртмалари охирги марта қачон тўла-тўкис уддаланганини эслолмайман ҳам. Насиб бўлса, шу йилнинг ўзидаёқ ҳосилдорликни 1,5-2 баробар оширишни кўзлаб турибмиз.

Чиндан ҳам, фермер хўжалиги аъзолари янги куч, янги ғайрат билан енг шимарганлар. Ишни ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, кузги-қишки агротехник тадбирларни сифатли ўтказишдан бошлаган деҳқонлар тасарруфларидаги қарийб 126 гектар майдоннинг тупроқ унумдорлиги паст, носоғлом қисмларига гектарига 25 тоннадан маҳаллий, шунингдек, етарли миқдорда минерал ўғитлар чиқардилар. Салкам 5 километр масофадаги ички ариқ-зовурлар мелиорация талаблари даражасида тозаланади.

Дарвоқе, Янгийўл боғларининг довруғи ҳақида кўп эшитгансиз. Таассуфки, кейинги йилларда тармоқ ривожига суст, эътиборсиз кайфиятда ёндошилгани боис, ҳозир бу боғларнинг аксариятидан ном-нишон ҳам қолмади ҳисоб. Энди уларни қайта тиклаш учун фермерлар ҳали кўп тер тўкишларига тўғри келар...

«Ўткир» фермер хўжалиги ҳисобида 27 гектар боғ ҳам бор. Унинг 17 гектари янги ташкил этилиб, олма, олхўри, узум, ўрик ниҳоллари парвариш қилинмоқда. Боғни ўраб турувчи зовур атрофига ўтган кўкламда 1200 тупдан ортиқ терак қаламчалари суқилган эди, ҳозир уларнинг бўй-басти бинойидек. Кўкламги ободонлаштириш ишлари бошланган шу кунларда боғбонлар қолган ҳудудларга ҳам терак экишни режалаштирганлар.

Хўжаликда, айтиш мумкинки, бугун кўпгина тармоқлар барқарор ривожланмоқда. Хусусан, чорвачилик борасидаги ишлар ҳам кўзни қувонтиради. Мўъжазгина чорва фермасида 84 бош қорамол боқилмоқда. Уларнинг 24 таси сигир, 17 таси гўштга боқиладиган новвослардир. Чорвачиликка қўл уришдан мақсад, фақат даромад эмас, аввало бутун фирма ишчи-хизматчиларининг сут ва гўштга бўлган эҳтиёжларини қондириш экан. Фирмада барча тармоқлар бўйича 280 ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бўлса, уларга кунига 180-200 литр атрофида бепул сут тарқатиляпти.

Янгийўлликлар «Ўткир» фирмаси ва унинг соҳибаси Гулчеҳра Маҳмудовани жамоат ишларида фаол, саховатпеша тадбиркор сифатида ҳам яхши билишади. У қилаётган хайр-саховат, савобли ишларни бир-бир санаб ўтиришга ҳожат йўқ. Муҳими, тадбиркорнинг беғараз кўмагидан оддий одамлар баҳра олишяпти, жамият наф кўраяпти. Аслини олганда, юртимизда тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, улар учун кенг йўл очиб беришдан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шу.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:**

*«Ўткир» хусусий фирмаси тармоқлари фаолиятидан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Таълим

# ЎҚУВЧИЛАР ЭНДИ ХУРСАНД

**Кейинги йилларда мамлакатимиз таълим тизимида бошланган кенг қамровли ислоҳотлар тобора жадаллашмоқда.**

Айниқса, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши келажагимиз давомчиларининг ҳеч кимдан кам бўлмай таълим-тарбия олишлари учун муносиб шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, бу йил мазкур дастурга мувофиқ Янгийўл туманидаги учта – 47-, 48- ҳамда 56-мактабларни капитал таъмир ва реконструкциялаш режалаштирилган бўлиб, айни дамда бино қуриш ҳуқуқини қўлга киритган пудратчи ташкилотлар ишни бошлаб юбордилар.

– Мактабимизда спорт зали йўқ эди, – дейди 47-таянч мактаби ўқувчилари қувончга тўлиб. – Энди спорт зали ҳам қуриладиган бўлибди. Биз бу хабарни эшитиб, жуда мамнун бўлдик.

Албатта, қурилиш-таъмирлаш ишларининг қай даражада олиб борилиши кўп жиҳатдан пудратчи ташкилотларнинг масъулияти, жонбозлигига ҳам боғлиқ. Бу борада 48-мактабда таъмир ишларини олиб бораётган «AGR-TAMQUR-BARAKAT» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари ҳар тарафлама ўрнак бўлмоқдалар. Қурувчилар бу ерда 163 миллион сўмлик иш бажаришлари керак.

– Мақсадимиз мактабни тез ва соз таъмирлаб, ўқувчилар ихтиёрига топшириш, – дейди жамият раҳбари Бахтиёр Пўлатов. – Барча ишларни 90 кун оралиғида якунлашга ҳаракат қиламиз.

Айнан шу бунёдкорлар тумандаги 56-мактабни ҳам қайта реконструкция қилишни режалаштирганлар. Яқин кунларда бу ерда ҳам 263 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари олиб борилади.

**Расул КУШЕРБОЕВ.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2007 йил 10 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 28 апрелдаги 11-0619/4727-сонли суд буйруғига асосан, Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

1. ЗИЛ-4505 самосвал русумли, давлат рақами 31-24 ТШП, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 675 000 сўм.**

2. ЗИЛ-49581002 русумли, давлат рақами 11 AR 599, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 600 000 сўм.**

3. ГАЗ-52 юк ташувчи русумли, давлат рақами 11 АО 538, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 660 000 сўм.**

4. ВАЗ-21060 русумли, давлат рақами 11 АВ 795, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 1 064 942 сўм.**

5. ЗИЛ-4505 русумли, давлат рақами 11 AR 379, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 640 500 сўм.**

6. КС-4561 русумли, давлат рақами 11 АО 846, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 7 388 085 сўм 70 тийин.**

7. ГАЗ-310290 русумли, давлат рақами 11 АВ 773, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 1 578 942 сўм.**

Ушбу автотранспорт воситалари Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Дўстобод шаҳри, Пахтаобод кўчаси, Қуйичирчиқ тумани йўл ХПТФК ҳудудида сақланмоқда.

Ушбу автотранспорт воситалари сотилмаган тақдирда 2007 йил 12, 17, 19, 24, 26 апрель, 1, 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24, 29, 31 май, 5, 7 июнь кунлари ўтказиладиган такрорий аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.**

**Телефонлар: 399-79-52, 133-28-52.**

**Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz**

Лицензия: DB 001 № 000004.

# БОҒЛАР — ЮРТ КЎРКИ

**Бугун юртимизнинг саранжом-саришта боғларини кўриб кўнгил яйрайди. Бу, бир томондан, боғбон меҳнатининг самараси бўлса, иккинчи томондан, кўклам унга тобора файз ва кўрк бағишламоқда.**

Баҳор – боғбонларимиз учун авжи иш палласидир. Чунки йил давомида олинажак ҳосил баракаси дарахтларни парваришлашга оид тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишига боғлиқ.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги Р.Шредер номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорациясида боғбонларнинг бу борадаги юмушларини енгиллаштириш ва уларга амалий ёрдам беришга қаратилган изчил илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ерда яратилаётган нав ва кўпайтирилаётган дарахт кўчатлари юртимиз иқлим шароитига мослиги, мевасининг мазаси ҳамда серҳосиллиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

Корпорация жамоаси томонидан тўрт миллион дона манзарали ва мевали дарахт, ток ҳамда гул кўчатлари сотиш учун тайёрлаб қўйилди. Буларнинг барчаси боғ-роғларимизнинг кенгайиб, элимиз дастурхонининг янада тўкин бўлиши ва мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг ошишига хизмат қилади.

**Сайёра ШОЕВА, ЎзА шарҳловчиси.**

**Ҳамма ерда «Наврўз» умумхалқ байрамини кенг нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Вилоятдаги вазиятнинг барқарорлигини, фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фавқулодда ҳодисалар, турли кўнгилсиз ҳаракатлар, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган зарур чора-тадбирлар белгиланди.**

# ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Вилоят ҳокимининг «Вилоятда кенг қамровли «Тозалаш» махсус тезкор-профилактик тадбирини ўтказиш тўғрисида»ги фармойишига асосан ички ишлар, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш, маҳаллий, ўзини ўзи бошқариш идоралари, маҳалла ва чегара посбонларининг жамоат тузилмалари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ўқув-таълим муассасалари ходимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирокида жойларда тезкор-профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

Бу жараёнда ички ишлар идоралари ва жамоатчилик вакилларидан иборат 6250 дан зиёд киши иштирок этмоқда. Улар транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланган. Жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш саъй-ҳаракатлари доирасида қатор жиноятлар аниқланмоқда. Масалан, Қибрай тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган «Тозалаш» тадбири мобайнида Тузель қишлоғида А. Алишер қўлга олинди. У «Ўқитувчи» ва У. Олимжонов кўчаларидан ўтган 100 метр алоқа кабелини ўғирлаб кетганлиги аниқланди.

Шунингдек, Янгийўл тумани Халқаобод қўрғонида яшовчи тадбиркор Қунанбой Сарсеновнинг ҳовлисидан 37,5 килограмм плёнка ўғирлаб кетилган. Ушбу жиноятни содир этганликда гумонланиб, шу маҳаллада яшовчи С. Элбек ушланди.

«Тозалаш» тадбирининг самарали бўлиши учун гуруҳлар ташкил этилди, доимий рейдлар ўтказилмоқда. Бу жараёнларда шу кунга қадар 8062 та ҳуқуқбузарлик аниқланди. Паспорт тизими қоидаларини бузган 2633 фуқарога нисбатан маъмурий баённомалар тузилди.

Тадбир бошидан буён гиёҳвандлик моддаларни сақлаш, сотиш ва тарқатиш билан шуғулланган кимсалардан 5 килограммга яқин гиёҳвандлик моддалари олинди.

Шунингдек, тадбир давомида 21 нафар муқаддам жиноят содир этиб, қочиб юрган шахслар қўлга олинди.

Барча маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасаларда «Ўз уйингни ўзинг асра» ва «Огоҳликка даъват» мавзуларида суҳбатлар ташкил этилиб, кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

**Маҳамадали ИСМОИЛОВ, вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.**

# САҲНАДА – ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР

**Чирчиқ шаҳрида Тошкент вилоятидаги мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида Республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Ёш иқтидор соҳибларини рағбатлантириш мақсадида ўтказилган ушбу кўрик-танловда шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган юздан ортиқ йигит-қиз иштирок этди. Кўрик-танлов шартларига кўра иштирокчилар замонавий санъатнинг эстрада-вокаль ижрочилиги, дамли чолғу асбоблари, торли чолғулар, фортепиано ижроси йўналишлари бўйича ўз истеъдодларини намойиш этишди.

Ёш иштирокчилар томонидан ижро этилган миллий, замонавий ҳамда жаҳон мусиқа санъати намуналари барчага манзур бўлди.

Кўрик-танлов якунига кўра дамли чолғу йўналишида Аббос Ваҳобов, Руслан Галиев, Уйғун Ўлмасов, торли чолғу ижрочилиги бўйича Максим Кравченко, Армен Мамираев, Марина Турдибоева, Элдор Ҳусниддинов, эстрада ва вокаль йўналишида Павел Манчакиде, Нодира Раҳматова, Рома Каук, Зулайҳо Усмонова, Димитрий Мун биринчи ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, фортепиано ижроси бўйича Раъно Эргашева, Вадим Бородин, Камола Абдиева, вокал ижрочилигида Эржон Саидов, Элвина Копенвич, Муниса Ҳакимова ғолиб, деб топилди.

Ғолиблар мамлакат босқичига йўлланмани қўлга киритди.

**Лутфулла СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт



# ЎЗ МАЙДОНИДА ЕНГИЛДИ

**Футбол мухлислари орзиқиб кутган дамлар келди. Мамлакат миллий чемпионатининг олий табақасида иштирок этаётган жамоалар дастлабки тур учрашувларини ўтказдилар.**

Бу йилги мамлакат чемпионатида 16 жамоа қатнашмоқда. Вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган Бекободнинг «Металлург» жамоаси мамлакат чемпиони «Пахтакор»ни қабул қилди. Учрашувда «Пахтакор»чилар майдон эгалари дарвозасига 4 та жавобсиз тўп киритиб йирик ғалабани қўлга киритдилар. Вилоятимиз шарафини биринчи табақада ҳимоя қилаётган Олмалиқнинг «ОТМК» жамоаси федерация кубоги мусобақасининг чорак финалида «Металлург»ни, ярим финалда эса «Трактор»ни мағлуб этиб, финалчига айланди. Финал учрашувида эса Самарқанднинг «Динамо» жамоасига ўйинни 4:1 ҳисобида бой бериб қўйди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Машъал» – «Навбаҳор» – 1:0, «Андижон» – «Шўртан» – 1:0, «Локомотив» – «Тўпаланг» – 1:0, «Трактор» – «Бухоро» – 1:2, «Қизилқум» – «Динамо» – 2:1, «Нефтчи» – «Насаф» – 2:1, «Вобкент» – «Қурувчи» – 0:1.

Иккинчи тур учрашувлари 15-17 март кунлари бўлиб ўтади. «Металлург» Сариосиёда «Тўпаланг»га қарши майдонга тушади.

**Талъат ЮСУПОВ.**

**Эронда енгил атлетика бўйича ўтган нуфузли халқаро турнирда спортчиларимиз юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, шода-шода медалларни қўлга киритишди.**

# ШОДА МЕДАЛЛАР БИЛАН

Тарас Моисеенко узунликка сакраш бўйича олтин, уч ҳатлаб сакрашда кумуш медални қўлга киритди. Ядро улоқтиришда Григорий Камуля, 60 метр масофага югуришда Олег Журавлёв шоҳсупанинг иккинчи поғонасини эгаллади.

Хотин-қизлар ўртасида енгил атлетикачиларимиз қитъада етакчилардан эканини яна бир карра исботлади. Людмила Дмитриади, Зарина Қодирова, Анна Сидорова турли масофаларга югуришда маррага биринчи келдилар. Ўзбекистонлик спортчилар 4х400 метрга ўтказилган эстафетада ҳам олтин медалга сазовор бўлдилар.

Ядро улоқтиришда Наталья Бессмертних ва баландликка сакраш устаси Надежда Дусанова энг яхши натижа кўрсатиб, шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилдилар.

Шунингдек, югуриш баҳсларида Ирина Зудихина ҳамда Анастасия Прошкина кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, узунликка сакраш бўйича Александра Бистриговага бронза медаль насиб қилди.

Халқаро турнирда еттита олтин, бешта кумуш ва битта бронза, жами ўн учта медаль жамғарган енгил атлетикачиларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида немис мусаввири Герхард Рихтер асарлари кўргазмаси очилди. У Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

# НЕМИС РАССОМИ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Герхард Рихтер асарлари реализм ҳамда абстракционизм услубларининг жозибадор уйғунлигини ўзида мужассам этгани билан ғоят аҳамиятлидир. Бу жиҳатлар ижодкорнинг мазкур кўргазмадан ўрин олган "Орхидея", "Намойиш", "Офелия" каби асарларида, айниқса, яққол ўз ифодасини топган.

**ЎзА.**

# ЗУМРАД БАҲОР МАНЗАРАЛАРИ

**Пойтахтимиздаги Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси биносида Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадиий академия ҳамда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамкорлигида мусаввир Муртазо Эргашев асарлари кўргазмаси очилди.**

Каттақўрғон шаҳрида таваллуд топган М.Эргашев Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти "Дастгоҳли рангтасвир" бўлимида мусаввирлик сирларини ўрганган. Республика ва халқаро миқёсдаги кўргазмаларда фаол қатнашиб келади. Асарлари юртимиз галерея ва музейларида, шунингдек, Россия, Германия, Япония, Венгрия каби давлатлардаги шахсий тўпламларда сақланмоқда.

Мазкур кўргазмада рассомнинг юзга яқин асари намойиш этилаётир. Миллий анъана ва урф-одатларимиз, боқий қадриятларимиз, жаннатмонанд юртимиз манзараларини меҳр билан қаламга олиш рассом ижодининг бош мавзуидир. Кўргазмада намойиш этилаётган "Хумсон қишлоғи", "Кабутарлар парвози", "Хива. Ичан қалъа", "Кўприк" каби асарлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Газетхон илҳоми

### ДАВРУ ДАВРОН СУР ИШҚИЛИБ

*Нозинг ошир, майлига, бўлма такаббур ишқилиб,*
*Шўхлик қилиб куйдирсанг ҳам аҳдингда тур ишқилиб.*
*Тарк этмасдан назокатни кези келган дамларда ҳам,*
*Жиловлаб ҳис-ҳаяжонни ҳидоятга бур ишқилиб.*
*Қора кўзлар маъюсланиб, ёшланмасин ҳеч бир замон,*
*Ёш ўрнига қувнаб доим сен сурмалар сур ишқилиб.*
*Чин севгини асос айлаб, муҳаббатдан тузиб томин*
*Меҳр билан бериб сайқал ишқ қасрини қур ишқилиб.*
*Ушал қаср пештоқида қуёш бўлиб мисли вафо*
*Сочсин висол гулшанига умр бўйи нур ишқилиб.*
*Сақла ишқинг, тарк этмасин сени бахту ширин ҳаёт,*
*Висол завқин туйиб Усмон давру даврон сур ишқилиб.*

### ОҲАНГАРОН

*Оҳангарон – ўлкамнинг сўлим бир боғи,*
*Зилол сув макони унинг «Оқ тоғи».*
*Тоғлари симу зар, қайнар булоғи*
*Оҳангарон, яшна, бўл доим омон.*
*Оҳангарон халқи доим дўст-иноқ*
*Нурчи, кончи, деҳқон – қўллари қадоқ,*
*Мустақил ўлкамнинг эртаси порлоқ*
*Оҳангарон, яшна, бўл доим омон.*
*Бахтидир, тахтидир Қурама, Чотқол*
*Шу тоғлар ила эш бўлмишдир иқбол.*
*Мангуга бахт берди унга истиқлол*
*Оҳангарон, яшна, бўл доим омон.*



**Усмон ЭГАМБЕРДИ.**

## Жажжи ҳикоялар

### ДЎЛОНА

Ҳар йили кузда Бурчмулла тарафга дўлона тергани чиқамиз. Тоғ ёнбағирларида ўсган шиғил-шиғил мевалар пишар-пишмас териб олиниб, биздақаларга шохларининг у ер-бу ерда сақланганлари қолади. Уларни қоқиш учун эса, болалар, набиралар дарахтларни силкитишади, тош отишади.

Кечир, дўлоңа, ахир биласан-ку, мевали дарахтгагина тош отилади...

### ЙЎЛ БЎЙИДАГИ ТОҒОЛЧА

Чорвоқдаги дала ҳовлимизга бораверишда, йўлнинг нариги юзидаги тик жарлик бўйида бир туп тоғолча ўсади. Танаси ҳийла тиконли, мевалари сап-сариқ, нордон, фақат пишсагина таъм киради. Биз ундан қиём пишириш учун бир челак, ярим челак териб оламиз. Баъзида эса эриниб термаймиз ҳам. Менимча бундан тоғолча хафа бўлмаса керак. Негаки, биз термасак, териб олувчи сон мингта. Йўлдан ўтган бирор йўловчи албатта, уни териб олади.

Ҳа, инсоннинг ризқи бўлган неъмат ҳеч қачон ерда қолиб кетмайди.

### АЙЛАНАЙИН ҚОРА ТОЛИМДАН...

Кўча ва гузарлар безаги бўлган бу оддий дарахт менга ёшликдан таниш ва ошно. Мактабимиз ҳовлисида катта қора тол ўсарди. Биз унинг соясида ўқир ва ўйнар эдик. Сояси шу қадар салқин, баҳаво бўлардики, асти қўяверинг. Қишлоғимиз идораси жойлашган гузарда ҳам улкан-улкан қора толлар соя солиб турарди. Хуллас, кўчалар, одамлар билан гавжум бўладиган жойларда, албатта, тол дарахтлари ўсарди.

*Толлар чоллар каби*
*қурмиш чордона,*
*Тераклар бамисли*
*ялангтўш йигит.*
*Даврага тизилмиш*
*адл, маржона,*
*Бу кўҳна толлардан*
*тинглаш-чун ўгит.*

Хуллас, тол – ёшлигим тимсоли, қишлоғим тимсоли, юртим тимсоли эди.

Етмишинчи йиллари Москвага бир неча ойга малака ошириш учун ўқишга бордим. Машғулотлар тугаб, энди юртимга қайтай деб турганимда тўсатдан кўричак яллиғланиши касали билан оғриб, жарроҳга рўбарў бўлдим. Шифохонада йигирма кундан ортиқ ётишга тўғри келди. Ниҳоят, шифохонадан катта кўчага чиқиб, транспорт кутиб турсам, бирдам кўзим майдонда ўсиб турган бир туп қора толга тушиб қолди. Мен гўё ўз ҳамюртимни кўргандай бўлдим. «Бормисан, қора толим», деб унинг япроқларини силадим, кўзларимга ёш келди...

Бундан бир неча йил бурун Буюк Британия сафарида бўлганимда, Лондондаги катта боғда бир туп толни кўриб, ўзимда йўқ қувониб кетдим. Хуллас, қора тол мен учун севимли, ёшликдан ошно, ишонган дарахтим эди, шундай бўлиб қолади.

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.**

Хотин – аямажиз эмас. Биз хотиндан қўрқмаймиз. Биз уни ҳурмат қиламиз. Шунинг учун дунёдаги жамики мағрур эркаклар сингари биз ҳам хотиннинг айтган гапидан, чизган чизиғидан чиқолмаймиз.

Ҳаммаси эсимда. Наврўз арафаси эди. Уйга ой чиққанда қайтдик. Хурсандмиз, ўғил кўрган отадай, юрагимиз дук-дук уради. Хоним бошарамизга қараб, истеҳзоли кулди:

– Хуш кўрдик, келсинлар...

– Келдик, раҳмат... Шу, Наврўз баҳона... оғайнилар билан улфатчилик қилиб... узр энди...

Хотин, афтингизга қаранг, деб кафтдай кўзгу келтириб берди. Афтимизга қарадик. Ўнг бетимда қип-қизил бўлиб, ғунчадек лабнинг ўрни турибди.

– Қизиқ, – дедим минғирлаб. – Бу қаёқдан келиб қолдийкин-а?

– Ҳалиги ўртоқларингизнинг биттасиникидир-да! – лабига учуқ тошгандай илжайди хоним. – Тавба, шу замоннинг эркакларига қойил эмасман! Лабига бўёқ суртибди-ю, импортнийсини тополмабди.

Мен жонҳолатда ўнг бетимни ишқалай бошладим.

– Э, бўлди, топилди! – дедим суюниб. – Ҳали трамвайда бир кампирга жой берувдим. Шунда у яша, ўғлим, сен ҳам менинг ёшимга ет, деб чўлп эткaзиб ўпиб олса бўладими?

Хотин совуқ егандай дағ-дағ титради:

– Уялинг! Ҳатто ёлғонни ҳам эплаб гапиролмайсиз! Бошқаларнинг ёлғон гапи чинга ўхшайди, сиз ростни ростга ўхшатолмайсиз. Ечининг!

Ечиндим. Шипиллаб ичкари уйга қуён бўлмоқчийдим, хотин ушлаб олиб диванга ўтқизди.

– Сизнинг тарбиянгиз билан ўзим шуғулланмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Бузилиб кетяпсиз. Эртагаёқ заводдан паттангизни олиб келинг. Бизга ўтасиз. Бухгалтернинг ўрни бўш турибди. Директоримиз, ўрта яшар бир одам керак, иложи бўлса, эмизикли боласи йўғидан топинг, деб юрувди. Мана, сиз жуда лойиқсиз.

Хотин модалар уйида ишлайди. Модалар уйи – аёллар уйи. Шуни ўйлаб, чўчиброқ оғиз очдим:

– Майли-ку... Лекин мен ёлғиз бўлсам... хотинлар чўқиб ташлашмасмикан?

– Қўрқманг, мен борман! – деди хотин кўкрагига муштлаб. – Ўзининг яккаю ягона эрини чўқитиб қўйиб, қараб ўтирадиган номард хотин эмасман?!

Шундай қилиб, инон-ихтиёримизни хотин келинчаклигида берган рўмолчага тугдиг-у, ма, деб яна ўзининг қўлига топширдик. Энди хоним эрталаб бизни эргаштириб кетадилар, кечқурун эргаштириб келадилар.

Хотинлар билан салом-алик қилиш бошқа-ю, бир жойда ўтириб ишлаш бошқа бўларкан. Ҳар куни вақтли келаман. Олдимга қоғозларимни ёйиб қўйиб, чўт қоқишга тушаман. Бирин-кетин ҳамкасабаларим пайдо бўлишади. Ана, қақилдоқ Гулнора, писмиқ Умри, эркакшода Бўстон... Улар сумкачаларини тақ-туқ эткизиб столга қўйишади-ю, лабларини қийшайтириб пардоз қилишади. Кейин кечаги воқеалардан бир-бирига ахборот беришади. Умри уч йил бурун бировнинг лозиматига икки метр бахмал олиб борган экан, кеча ўзига қайтиб келибди. Бахмал четидаги яшил сиёҳдан таниб қолибди; Гулноранинг овсини бетига аччиқ тош эритиб суртар эмиш, шунда одамнинг юзига ажин тушмас экан; Бўстоннинг қайнонаси кеча пайғамбар ёшини тўй қилибди. Кимдир баланд пошнали туфли совға қилган экан, кияман деб кампир йиқилиб тушибди ва тўпиғи чиқиб кетибди...




Ҳадемай аёлларнинг қолгани ҳам келади. Олти хотин ачом-ачом қилиб, роса ўпишади. Хонани чулдираган чашманинг овози босиб кетгандай бўлади. Қайта бошдан «сўнгги ахборот» бошланади. Мен чидайман. Қоғоздан бош кўтармай, қўш бармоқлаб, чўт қоқаман. Бироқ ўн саккизни ўн саккизга қўшсам, яккаш қирқ олти чиқаверади.

Ниҳоят, ярим соатларда маҳалла-кўй мавзуидаги маҳаллий обзор тугайди. Ҳамма ишга ўтиради. Арифмометрларнинг ғижиллаши, ёзув машинкаларининг шақиллаши эшитилади.

Шу зайлда тахминан йигирма минут ўтади. Бир вақт Дилдора пиқ этиб кулади. Мен хавотирланиб, дастрўмол билан юз-кўзимни артаман. Умри маъноли товушда «ҳм!» деб йўталади. Мен дарров тугмаларимни текшираман. Ҳаммаси жойида.

Яна ўн-ўн беш минут ўтади. Энди қақилдоқ Гулнора гап қўзғайди:

– Хосият, – дейди столдан бош кўтармай. – Бир нарсага ҳайронман. Нега хотинларда соқол йўқ, а?

– Айтардим-ку, Роҳатиллака борда! – дейди Хосият. Мен пинагимни бузмайман.

– Роҳатиллака, бирпас чекиб келмайсизми? – дейди Латифа.

Мен тихирлик қиламан:

– Вақтим йўқ. Ишим бошимдан ошиб ётибди.

Аёллар ёлворишга тушади:

– Хўп дея қолинг, жо-он Роҳатиллака...

– Одамнинг юраги сиқилиб кетди. Бир кулишиб олайлик.

Ноилож қўзғаламан. Эшикни ёпар-ёпмас, ортимда гур кулги кўтарилади.

Шундай қилиб, кунлар ўтаверади. Хотинлар билан иноқ бўлиб кетдик. Кўпинча бирга тушлик қиламиз. Улар мени нуқул ширинлик билан сийлашади. «Кекс»дан «Красная Москва»нинг ҳиди келади, тортга лаббўёк суртилганга ўхшайди, патир есам – упа ялагандай бўламан.

Бобом раҳматлик, одам ҳадеб гулга қарайверса, ўзи мулойимлашиб, ранги ҳам бошқача бўлиб қолади, дегувчи эдилар. Мана, аёллар орасида салкам қирқ кун ишлаяпман-у, уларнинг кўп хислатини ўрганиб олганимни билмай қолибман. Чой ичсам, жимжилоғимни кўтариб тураман, кулсам, оғзимни юмиб куламан, ичиш-чекишни унутиб юбордим, бедана юриш қилиб йўрғалаб қадам ташлайман. Ҳатто, ўрнимдан турсам, орқамни бир силаб қўядиган қилиқ чиқардим. Эркак оғайниларимни учратсам, «кўришиб турайлик, ўргилай» деб юбораман. Уйда эса, хотин билан тез-тез тошойна талашиб қоламиз.

Илгари эмансипация, деса тушунмасдим. Бу хотин пошшо дегани экан. Бундоқ ўйлаб қарасам, ана шу эмансипация гирдобида ғарқ бўлиб кетай деган эканман. Бу гирдобдан мени яна хотиннинг ўзлари қутқариб қолдилар. Бир куни уйда биқинларига ўтқаздилар-у, кўзларимга тикилиб сўрадилар:

– Сиз аёл билан эркакнинг фарқини биласизми?

– Биламиз, – дедим тутилиброқ. – Хўш, аёл, бу аёл, эркак, – эркак...

– Сизда мана шу фарқ йўқолиб кетаяпти, – дедилар хоним. – На бир гапни кесиб гапира оласиз, на мундоқ зардангиз бор! Ҳатто, кўринишингиз ҳам эркакка ўхшамайди. Манг, афтингизга бир қаранг!

Хоним кўзгучасини бердилар. Олиб афтимизга қарадик. Кўзгуда икки бети нақш олмадек қип-қизил, иболиккина, чуваккина йигит кўз сузиб турарди.

– Нима қилай... айтинг? – дедим ерга қараб.

Хоним жиғибийрон бўлди:

– Ана, мустақил фикрингиз ҳам йўқ! Яна заводга борасиз. Эркак деган мундоқ ўзига ярашадиган ишни қилиши керак.

Хўп, деб дарров паттамизни олдик. Хотинлар кичкина зиёфатча уюштириб, мен билан хайрлашишди. Аёлгиналар билан оқ мусалласдан қиттай-қиттай қилдик. «Ўлсин, мунча тахир, – дейман ичимда, – эркаклар ароқни қандай ичишар экан-а?»

– Роҳатиллака, зерикканда келиб туринг, ҳасратлашиб, кўнгил ёзиб кетасиз, – дейишди ҳамкасабахонларим.

– Вой, келмай ўлибманми, албатта келаман, қоқиндиқлар! – дедим ва хотинларнинг султонига эргашиб, уйга қараб йўрғаладим.

Қайтиб, қадрдон заводимга бордим. Ҳозирча эркакчасига катта-катта қадам ташлаб, залворли юришни машқ қилаяпман. Эски улфатларим омон бўлса, ҳадемай қиттай-қиттай ичишниям ўрганиб оламан.

**Саъдулла СИЁЕВ.**

## Инсон Ва табиат

# МИНГ БИР ДАРДГА ДАВО НЕЪМАТ



Маълумотларга кўра, инсон организми учун фойдали микроэлементларнинг 70 фоиздан ортиғи асалда мавжуд экан. Унинг муми ҳам инсон саломатлиги учун жуда фойдали бўлиб, ундан турли касалликларга қарши дори-дармонлар тайёрлаш мумкин. Шу боис, кўпинча беморларга асал истеъмолини кучайтириш тавсия этилади. Асаларининг эса бол йиғишдан ташқари экологик тозаликка ҳам катта фойдаси тегади. Айниқса, қишлоқ хўжалигида унинг ўрни беқиёсдир. Асаларининг чанглатиши натижасида пахтанинг ҳосили 25-30, кунгабоқарники 40-50, беданики эса 180-250 фоизгача ошиши фанда исботланган.

– Жамиятимизнинг қарийб икки юз нафар аъзоси бор, – дейди Тошкент шаҳар асаларичилар жамияти раҳбари Зокир Мирхўжаев. – Уларнинг ҳар бири ўртача 50-150 асалари оиласини парваришлайди. 2006 йили пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида тўрт юз тоннадан ортиқ асал етиштирилди.

Ўтган йили шаҳримиз бозорларида олти маротаба "Асал байрами" савдо-ярмаркасини ташкил этдик. Бундан кўзланган асосий мақсад аҳолини тоза, сифатли ва арзон асал маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат. Савдо-ярмаркаларда 50 тоннадан ортиқ маҳсулот сотилди.

Ўлкамизда баҳор нафаси уфурмоқда. Ҳадемай гулдан-гулга учиб-қўниб юрган арилар боғларга файз кирита бошлайди. Юртимизда бол йиғиш ва асал маҳсулотлари етиштириш учун етарлича шароит ва имконият мавжуд. Бу эса оилаларимиз дастурхонида минг бир дардга даво ушбу неъматнинг янада мўл бўлишининг гаровидир.

**ЎзА.**

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан 2006 йилда Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, "Фарғона бозори" ёнида жойлашган чап бекат дўконига тегишли ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## Об-ҳаво

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 7 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 4-6, кундузи 17-19 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7, кундузи 15-20 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди, айрим жойларда туман тушади. Қор кўчиш хавфи бор. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-240. Адади 10183. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар - тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30.

2 3 4 5 6